



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIIY SUDI



*Empowered lives.  
Resilient nations.*

# СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ



**ТОШКЕНТ - 2018**

УЎК 347.91  
КБК 67.410

## НАШР УЧУН МАСЪУЛЛАР:

### Холмўмин ЁДГОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари –  
фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси

### Азамат САЛАЕВ

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси раҳбари

### Собир ХОЛБАЕВ

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик”  
қўшма лойиҳаси компонент раҳбари

Ушбу рисолада республикадаги фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича, иқтисодий ҳамда маъмурий судларга ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳамда суд ҳужжатлари, яъни ҳал қилув қарори, қарор, ҳукм ва ажримлар устидан шикоят қилиш тартиби юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, судга мурожаат қилишга оид ҳужжатлардан намуналар, давлат божи тўлаш тартиби ва бошқа шу каби маълумотлар ҳам акс этган.

Рисола судларга мурожаат қилувчи фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, юридик шахсларнинг вакиллари ҳамда суд фаолияти билан яқиндан танишиш истагида бўлган бошқа шахслар учун мўлжалланган.

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Рисоланинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг [www.sud.uz](http://www.sud.uz) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг [www.undp.org](http://www.undp.org) интернет сайтида жойлаштирилган.

© БМТ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ (БМТТД), 2018

© АҚШ ҲАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ АГЕНТЛИГИ (USAID), 2018

© ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ, 2018



*Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.*

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси**

*Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир.*

*... қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.*

*Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат МИРЗИЁЕВ**

**(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси)**



*Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга.*

**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 8-моддаси**





# УМУМИЙ ҚОИДАЛАР



# Судларга **2 турдаги** ариза билан

**1**

ОДДИЙ ХАТ ТАРЗИДАГИ, МУАЙЯН ИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН МУРОЖААТЛАР

Ариза

Таклиф

Шикоят

*(судга ишга қабул қилиш, суднинг почта манзилини маълум қилиш, давлат божи тўлаш тартибини аниқлаш ва шу кабилар)*

Бу тоифадаги мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда, яъни судга келиб тушган кундан эътиборан

**15** кун ичида

қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса

**1** ойгача бўлган муддатда берилиши мумкин

Агар ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари суд раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан

**1** ойга узайтирилиши мумкин

# мурожаат қилиш мумкин:

2

МУАЙЯН НИЗО ЁКИ ИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН МУРОЖААТЛАР

Ариза

Даъво аризаси

Илтимоснома

Шикоят

*(қарзни ундириш ҳақидаги даъво аризаси, суд ҳужжатидан норози бўлиб берилган шикоят ва шу кабилар)*

Бу тоифадаги мурожаатлар тегишлича фуқаролик ишлари бўйича судларда **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида**, жиноят ишлари бўйича судларда **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида**, иқтисодий судларда **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида**, маъмурий судларда **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида** ва **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида** белгиланган тартибда кўриб чиқилади.



Муайян низога оид ариза ёки даъво аризаси билан судга қуйидаги **3 хил** тоифадаги шахслар мурожаат қилишга ҳақлидирлар:

1

ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилаётган шахслар ва уларнинг вакиллари, шу жумладан, адвокатлар



2

прокурорлар



3

қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлган давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлар




Судларга даъво аризаси, ариза, илтимоснома ва шикоят **қуйидаги тартибда** берилиши мумкин:



судларга бевосита ташриф буюрган ҳолда суднинг девонхонаси ёки суд раҳбариятининг, судьяларнинг шахсий қабули орқали



почта алоқа бўлимлари орқали



интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон равишда Олий суднинг расмий веб-сайти ёки ахборот тизимлари, шу жумладан, фуқаролик ишлари бўйича судларга “E-SUD” ахборот тизими орқали ([v3.esud.uz](http://v3.esud.uz))



## СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ



Фуқаролик ишлари бўйича, иқтисодий ҳамда маъмурий судларга ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳамда суд ҳужжатлари, яъни ҳал қилув қарори, қарор, ҳукм ва ажримлар устидан шикоят қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган **“Давлат божи ставкалари”да белгиланган миқдорда давлат божи тўланади.**

# ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ\*



\* Бундай тартиб “Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш тартиби” амалий қўлланмасида кенгроқ берилган.

## Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилинаётганда:

1

Агар талаб фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга оид бўлса, у **даъво аризаси** шаклида берилади.




Қарзни ундириш



Мол-мулкни олиб бериш



Мулк ҳуқуқини тасдиқлаш ва ҳ.к.




2

Агар талаб буйруқ тартибида иш юритиш бўйича, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича бўлса – **ариза** шаклида берилади.



Нотариал тасдиқланган битимга асосланиб, қарздор томонидан тан олинган қарзни ундириш




Тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган коммунал хизматларга оид қарзни ундириш



Болани фарзандликка олиш



Мол-мулкни эгасиз деб топиш ва ҳ.к.



3


Муайян иш юзасидан суддан бирор процессуал ҳаракатни бажариш сўралаётганда – **илтимоснома** шаклида берилади.



Ишни бошқа кунга қолдириш




Ишга шерик жавобгарни жалб этиш ва ҳ.к.



4

Суд ҳужжатлари устидан норози бўлиб апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига мурожаат этилганда у – **шикоят** шаклида, бундай мурожаат прокурор томонидан берилганда – **протест** шаклида амалга оширилади.







Фуқаролик процессуал кодекси (кейинчалик – ФПК деб юритилади)нинг 26-моддаси мазмунига кўра фуқаролик ишлари бўйича судларга қуйидаги ишлар тааллуқли:



фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлса, бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топшириладиган ҳоллар мустасно;



ФПКнинг 293-моддасида санаб ўтилган алоҳида тартибда юритиладиган ишлар (юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш, болани фарзандликка олиш, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони вафот этган деб эълон қилиш, мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш кабилар);



ФПКнинг 18-бобида кўрсатилган ва буйруқ тартибида ҳал этиладиган ишлар;





ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ва ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар;




чет давлат судларининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар.

Агар ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилганда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилади.

# СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА СУД ХҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ



# ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ



## СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ариза ёки даъво аризаси тақдим этиладиган фуқаролик ишлари бўйича судлар:

### Агар ариза:

фуқарога нисбатан берилаётган бўлса

жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга

ташкilotга нисбатан берилаётган бўлса

унинг органи жойлашган ҳудуддаги судга;

яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан берилаётган бўлса

унинг мол-мулки турган жойдаги ёки унинг маълум бўлган сўнги яшаган жойидаги судга

Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган жавобгарга нисбатан берилаётган бўлса

Ўзбекистон Республикасида унинг мол-мулки турган жойдаги ёки маълум бўлган сўнги яшаш жойидаги судга

алимент ундириш тўғрисидаги, оталикни белгилаш ҳақидаги ва майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик ёхуд боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисида бўлса

даъвогар томонидан ўзи яшаб турган жойдаги судга ҳам

кемалар тўқнашуви натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек сувда ёрдам берганлик ва қутқарганлик учун ҳақ ундириш тўғрисида бўлса

жавобгарнинг кемаси турган ёки кема рўйхатга олинган порт жойлашган ердаги судга ҳам

ижро этиш жойи кўрсатилган шартномалардан келиб чиқадиган низо тўғрисида бўлса

шартномани ижро этиш жойидаги судга ҳам

фуқаронинг ёки юридик шахсининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида бўлса

зарар етказилган жойдаги судга ҳам

юридик шахсининг филиали фаолиятдан келиб чиқадиган бўлса

филиал жойлашган ердаги судга ҳам

## ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

турли жойларда яшовчи ёки турувчи бир нечта жавобгарга нисбатан ёки юридик шахс бўлиб, турли манзилда жойлашган жавобгарларга нисбатан берилаётган бўлса,

даъвогарнинг танлови бўйича жавобгарлардан бири яшайдиган ёхуд давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга

фуқаронинг меҳнат, пенсия ва уй-жойга доир ҳуқуқларни тиклаш, мол-мулкни ёки унинг қийматини қайтариб бериш, ғайриқонуний ҳукм қилиш, ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида ғайриқонуний қамоққа олиш ёхуд ҳибсга олиш тарзида ғайриқонуний маъмурий жазо қўллаш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида бўлса

даъвогарнинг яшаш жойидаги судга ҳам

никоҳни бекор қилиш тўғрисида бўлиб, даъвогарнинг вояга етмаган болалари борлиги, шунингдек ногиронлиги ёки оғир касаллиги туфайли у жавобгар яшаб турган жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига боришга қийналса

даъвогарнинг яшайдиган жойидаги судга

бедарак йўқолган деб ёхуд руҳий ҳолати бузилганлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳни бекор қилиш тўғрисида бўлса

даъвогарнинг хоҳишига кўра ўз яшаш жойидаги судга

иморатга бўлган ҳуқуқ тўғрисида, мол-мулкни хатлашдан чиқариш ҳақида, ер майдонидан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисида бўлса

иморат, мол-мулк ёки ер майдони жойлашган ердаги судга

ворислар меросни қабул қилгунига қадар мерос қолдирувчининг кредиторлари томонидан тақдим этилаётган бўлса

мерос мол-мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган ердаги судга

йўловчиларни, юкларни ёки багажни ташиш шартнома-ларидан юк ташувчиларга нисбатан келиб чиқадиган даъволарга оид бўлса

белгиланган тартибда талабнома тақдим этилган транспорт ташкилотининг органи давлат рўйхатидан ўтган ердаги судга тақдим этилади

*Тарафлар ўзаро келишиб, муайян иш учун ҳудудий судловга тегишлиликни ўзгартириши мумкин, ФПКнинг 35-моддасида белгиланган судловга тегишлилик бундан мустасно.*

*Қарши даъво судловга тегишлилигидан қатъи назар, дастлабки даъво кўрилатган жойдаги судга тақдим этилади.*

## СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ

Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг биринчи инстанциясида даъво тартибида иш юритишга оид асосий муддатлар:

### Ўз.Р. ФПКнинг 192-моддаси

Аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масалани ҳал этиш ариза судга келиб тушган кундан эътиборан **ўн кундан кечиктирмай**

шу ҳақдаги ажримни аризаچига юбориш у чиқарилгандан **кейинги кундан** кечиктирмай

### Ўз.Р. ФПКнинг 202-моддаси

Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш ариза қабул қилинган ва фуқаролик иши қўзғатилган кундан эътиборан **ўн кунлик** муддатдан кечиктирмай

Алоҳида ҳолларда, ўта мураккаб ишлар бўйича бу муддат судьянинг асослантирилган ажримига биноан **йигирма кунга узайтирилиши** мумкин, бундан алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар тўғрисидаги ишлар мустасно

### Ўз.Р. ФПКнинг 249-моддаси

Суднинг ҳал қилув қарорини қабул қилиш суд муҳокамаси тугаганидан кейин **дарҳол**

Алоҳида ҳолларда, ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлашни кечиктириш кўпи билан **беш кунга узайтирилиши** мумкин

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмини эълон қилиш суд муҳокамаси тугалланган мажлиснинг **ўзидаёқ**

### Ўз.Р. ФПКнинг 261-моддаси

Ҳал қилув қарори ёзувида йўл қўйилган хатоларни ёки очик кўриниб турган арифметик хатоларни тузатиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш

у топширилган кундан эътиборан **ўн кунлик** муддатда

### Ўз.Р. ФПКнинг 207-моддаси

Ишларни кўриш ва ҳал қилиш ариза суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан **бир ойдан** кечиктирмай ўта мураккаб ишлар бўйича бу муддат судьянинг асослантирилган ажримига кўра **икки ойгача узайтирилиши** мумкин, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ишлар мустасно

Алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ишларни кўриш суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан **йигирма кундан** кечиктирмай

### Ўз.Р. ФПКнинг 262-моддаси

Қўшимча ҳал қилув қарорини чиқариш тўғрисидаги масалани қўзғатиш

ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан **ўн кундан кечиктирмай**

Қўшимча ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши асосий **ҳал қилув қарори билан бирга**

### Ўз.Р. ФПКнинг 263-моддаси

Ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш

у келиб тушган кундан эътиборан **ўн кунлик** муддатда

### Ўз.Р. ФПКнинг 264-моддаси

Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши, агар унинг устидан шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, апелляция шикояти (протести) бериш **муддати ўтганидан кейин**

Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши, агар унинг устидан апелляция шикояти (протести) берилган бўлиб, у бекор қилинмаган бўлса,

иш юқори инстанция судида **кўриб чиқилгананидан кейин**

# ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

## Ўз.Р. ФПКнинг 265–моддаси

Суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш  
у **қонуний кучга кирганидан кейин**, бундан дарҳол ижро этиш ҳоллари мустасно (дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорлари Ўз.Р. ФПКнинг 266, 267–моддаларида санаб ўтилган)

## Ўз.Р. ФПКнинг 270–моддаси

Суд ҳужжатининг кўчирма нусхасини юбориш  
у чиқарилган кундан эътиборан **беш кундан кечиктирмай**

## Ўз.Р. ФПКнинг 274–моддаси

Суд ажримини ижро этиш  
агар қонунда ёки суд томонидан бошқа муддат белгиланган бўлмаса, **дарҳол**

## Ўз.Р. ФПКнинг 278–моддаси

Суд мажлиси баённомасини юритиш  
**суд мажлисининг ўзида** ёки суд мажлиси залидан ташқарида алоҳида **процессуал ҳаракат бажарилганида**

Баённомани имзолаш

суд мажлиси тамом бўлганидан ёки алоҳида процессуал ҳаракат амалга оширилганидан кейин кечи билан **уч кунда**

## Ўз.Р. ФПКнинг 279–моддаси

Суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва унда йўл қўйилган хатоликлар ёки унинг тўлиқ эмаслиги юзасидан ёзма фикр-мулоҳазалар билдириш  
у имзоланган кундан эътиборан **беш кун ичида**

Баённомага доир фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқиш  
улар топширилган кундан эътиборан **етти кун ичида**

## Ўз.Р. ФПКнинг 288–моддаси

Сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш

ариза келиб тушган пайтдан эътиборан **ўн кун ичида**

## Ўз.Р. ФПКнинг 303–моддаси

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қароридан кўчирма нусхани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориш

у қонуний кучга кирган кундан эътиборан **уч кун ичида**

## Ўз.Р. ФПКнинг 314–моддаси

Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганда бу ҳақда мазкур шахс яшаб турган жойдаги ҳомийлик ва васийлик органига хабар қилиш ва унинг устидан ҳомий ёки васий тайинлаш учун ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхасини юбориш

у кучга кирганидан сўнг **уч кун ичида**

## Ўз.Р. ФПКнинг 318–моддаси

Шахсни психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги ишни кўриб чиқиш

**ўн кунлик муддат ичида**

## Ўз.Р. ФПКнинг 322–моддаси

Шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги ишни кўриб чиқиш

ариза берилган кундан эътиборан **уч кунлик муддатда**

## Ўз.Р. ФПКнинг 364–моддаси

Чет давлат судларининг ёки чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорини мажбурий ижрога қаратиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса,

у қонуний кучга кирган кундан эътиборан **уч йил муддат ичида**

## Ўз.Р. ФПКнинг 369–моддаси

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш, агар Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса

у судга келиб тушган кундан эътиборан **бир ойдан ошмайдиган муддатда**



## ФПКнинг 189-моддасига биноан судга бериладиган ариза ёки даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

**ДАЪВО АРИЗАСИ**

The diagram shows a form with 8 numbered sections: 1-3 are at the top right, 4-7 are in the middle left, and 8 is at the bottom left. Each section is represented by a horizontal bar with a circle containing the number.

- 1** ариза берилётган суднинг номи;
- 2** даъвогарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда реквизитлари, шунингдек, агар ариза вакил томонидан берилётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили (аризада даъвогар ёки уни вакилининг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин);
- 3** жавобгарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда реквизитлари;
- 4** даъвогарнинг талаби;
- 5** агар даъво баҳоланиши керак бўлса, даъво - нинг баҳоси;
- 6** даъвогар ўз талабига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва даъвогар томонидан баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;
- 7** жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, башарти бу қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- 8** аризага илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

*Агар даъвогар судга аризани қоғоз кўринишида бермоқчи бўлса, уни жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдордаги кўчирма нусхалари билан бирга судга бериши керак.*



Аризага ёки даъво аризасига қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади:

- 


арз қилинаётган талабларга асос бўлган ҳолатларни
- 


жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилганлигини, башарти бу қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса
- 


давлат божи белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини
- 


аризани имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатни, агар ариза вакил томонидан имзоланган бўлса

ФПКнинг 129-моддасига кўра **даъвонинг баҳоси** қуйидагича белгиланади:


- 

пул ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича – ундириладиган суммага қараб
- 

мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича – талаб қилинаётган мол-мулкнинг қийматига қараб
- 

бир нечта мустақил талабдан иборат даъволар бўйича – барча талабларнинг умумий суммасига қараб
- 

алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича – бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб ва ҳоказо



Ариза фуқарога нисбатан берилаётган бўлса, жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга, агар ташкилотга нисбатан берилаётган бўлса, унинг органи жойлашган ҳудуддаги судга берилади.

# СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган **“Давлат божи ставкалари”** нинг 1-бандига кўра:



## ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИ

Фуқаролик ишлари бўйича судларга бериладиган даъво аризаларидан (аризалардан) суд қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги шикоятлардан, шунингдек, суд ҳужжатларидан нусхалар берганлиги учун:

Мулкий тусдаги даъво аризаларидан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

Судларнинг қарорлари, ҳукмлари, ажримлари, судларнинг бошқа қарорларининг дубликатлари ва нусхаларини, шунингдек, томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра судлар томонидан ишлардан бериладиган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун ҳужжатнинг ҳар бир бети учун энг кам иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида;

Ҳакамлик суди қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек ҳакамлик суди қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида;

Никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан	
илк никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан	такрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан
энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;	энг кам иш ҳақининг 120 фоизи миқдорида;

Никоҳ бекор қилинаётганда мол-мулк бўлинган ҳолда бож 1-банднинг «а» кичик бандига мувофиқ даъво баҳоси бўйича белгиланади;

Бедарак йўқолганлиги ва руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги оқибатида белгиланган тартибда қобилиятсиз деб топилган ёки камида уч йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан энг кам иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида;

Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг жисмоний шахсларнинг ҳақ-хуқуқларини камситувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан қилинган шикоятлардан (суд қарори чиқарилаётган томонидан ундирилади) энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида;

Судларнинг қарорларига апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан даъво аризаси ёки бошқа аризалар, шикоятлар берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкий низолар бўйича эса – ушбу банднинг «а» кичик бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ставкалар миқдорида;

Жиноий иш бўйича фуқаролик даъволаридан даъво баҳосининг 10 фоизи миқдорида;

Уй-жойларни ижарага олиш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан, ворисликни қабул қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги, хатта олинган мулкни қайтариб бериш тўғрисидаги ва мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) бошқа даъво аризаларидан энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

Алоҳида кўриладиган ишлар бўйича ариза (шикоят)лардан энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида.

*Изоҳ: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти доирасида судларга мурожаат қилишда ушбу банднинг «д» ва «з» кичик бандларига кўрсатилган белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўлайдилар.*

Аризалар ва даъво аризаларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш тартиби **2 турга** бўлинади:

---

**1** БУЙРУҚ ТАРТИБИДА  
ИШ ЮРИТИШ

**2** ДАЪВО ТАРТИБИДА,  
ШУ ЖУМЛАДАН,  
АЛОҲИДА ТАРТИБДА  
ИШ ЮРИТИШ

## 1 БУЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ, яъни суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари:

1

қарздорликни ундиришда у жавобгар томонидан асосан тан олинган (таққослаш далолатномаси ёки хат билан) ва низосиз бўлади

4

ариза берувчи тараф «ундирувчи», жавобгар тараф эса «қарздор» деб аталади

2

ариза суд мажлиси ўтказилмасдан, тарафлар суд мажлисига чақирилмасдан, унга илова қилинган ҳужжатлар асосида кўриб чиқилади ва натижаси бўйича суд буйруғи берилади

5

суд буйруғи у берилгандан сўнг **10 кунлик муддат ўтгач** қонуний кучга киради

3

қарздорликни ундириш ҳақида **3 кунлик муддат ичид**а суд буйруғи берилади


6

суд буйруғи ижро варақаси каби алоҳида ижро ҳужжати ҳисобланади





ФПКнинг 171-моддасига кўра,  
**суд буйруғи қуйидаги ҳолларда  
беради, агар:**




- 1** талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса;
- 2** талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса;
- 3** ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақида талаб арз қилинган бўлса;
- 4** фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса;
- 5** коммунал хизматлар ёки алоқа хизматлари тўлови бўйича қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган ундириш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса;
- 6** вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш тўғрисидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса;
- 7** ижара шартномасида белгиланган ижара тўловлари муддатида тўланмаганлиги сабабли ушбу тўловларни ундириш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса;
- 8** хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларидан мажбурий бадаллар ва тўловларни ундириш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса.

## 2 ДАЪВО ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ, яъни низоли ҳолат бўйича берилган даъво аризаси ёки аризани кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари:

**1** даъво аризаси берувчи тараф «даъвогар», ариза кимга нисбатан берилган бўлса, у «жавобгар» деб аталади



**3** ариза суд мажлисида тарафлар чақирилган ҳолда кўриб чиқилади ва натижасига кўра ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилади



**2** алоҳида тартибда юритиладиган ишлар ва ФПКда назарда тутилган бошқа ишлар бўйича ариза берган шахс «аризачи» деб аталади



**4** даъво тартибида иш юритишга оид баъзи тоифадаги ишлар ўзига хос тарзда кўриб чиқилиши боис, улар «алоҳида тартибда юритиладиган ишлар» деб аталади ва уларнинг рўйхати ФПКнинг 293-моддасида санаб ўтилган. Бу тоифадаги ишлар судларда ФПКнинг 27–37-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилади.



ФПКнинг 386, 406, 427-моддалари мазмунига кўра апелляция, кассация ёки назорат шикоятда (протестида) **қуйидагилар кўрсатилиши керак:**



- 1 шикоят (протест) йўлланаётган суднинг номи;
- 2 шикоят (протест) бераётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), унинг яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили);
- 3 шикоят қилинаётган ёки протест келтириляётган ҳал қилув қарори, қарор ва ушбу суд ҳужжатларини чиқарган суд;
- 4 ҳал қилув қарорининг, ажримнинг, қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;
- 5 шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимоси;
- 6 шикоятга (протестга) илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Шикоятни шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили имзолайди.

Апелляция ёки кассация протестини мазкур ишда иштирок этган этмаганлигидан қатъи назар, прокурор ёки унинг ўринбосари келтиради ва имзолайди.

Нazorат тартибидаги протест протест келтирган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши керак.

Шикоятда (протестда) шикоятни (протестни) берган шахснинг ёхуд унинг вакилининг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилиши мумкин.

Шикоятга (протестга) қуйидагилар илова қилинади:

- давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- апелляция шикояти вакил томонидан имзоланган тақдирда – уни имзолашга вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат.

Суднинг аризани қайтариш ҳақидаги ёки аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан апелляция ёки кассация шикоятига (протестига) қайтарилган ариза ва унга қўшиб берилган ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак.

Нazorат тартибидаги шикоятга (протестга) иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхалари ҳам илова қилинади.

**Биринчи инстанция судлари ҳужжатлари устидан берилган апелляция ёки кассация шикоятлари** тегишлича Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан;

**Суд ҳужжатларига нисбатан назорат тартибида берилган аризалар** Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўрилади.

## СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 383, 403 ва 426-моддаларига кўра суд томонидан чиқариладиган ва шикоят қилинадиган суд ҳужжатлари устидан:

улар чиқарилган кундан эътиборан **20 кун ичида апелляция тартибида** шикоят берилиши мумкин

улар қонуний кучга кирган кундан эътиборан **6 ой ичида кассация тартибида** шикоят берилиши мумкин

улар қонуний кучга кирган кундан эътиборан **1 йил ичида назорат тартибида** шикоят берилиши мумкин







Суд ҳужжатлари устидан берилган шикоятлар  
(протестлар)ни кўриб чиқиш муддатлари:

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди **апелляция шикояти (протести)** бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан **1 ойдан кечиктирмай** кўриши керак. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда бу муддат кўпи билан яна **10 кунга узайтирилиши** мумкин.

Олий суд **апелляция шикояти (протести)** бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан **1 ойдан кечиктирмай** кўриб чиқиши керак. Алоҳида ҳолларда, Олий суд раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатни кўпи билан яна **1 ойга узайтириши** мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди **кассация шикояти (протести)** бўйича келиб тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан **1 ойдан кечиктирмай** кўриб чиқиши керак. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда бу муддат кўпи билан яна **20 кунга узайтирилиши** мумкин.

Олий суд **кассация шикояти (протести)** бўйича келиб тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан **1 ойдан кечиктирмай** кўриб чиқиши керак. Алоҳида ҳолларда, Олий суд раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатни кўпи билан яна **1 ойга узайтириши** мумкин.

**Назорат тартибидagi шикоят 1 ойдан кечиктирмасдан**, иш талаб қилиб олинган ва текширилган тақдирда эса **2 ойдан кечиктирмасдан** кўрилиши керак.

Бундан ташқари, суднинг ҳужжатлари **янгидан очилган ҳолатлар** бўйича ҳам ушбу ФПКнинг 437-445-моддаларида кўрсатилган асослар ва тартиб бўйича қайта кўрилиши мумкин.

## Назорат тартибда шикоят бериш ҳуқуқига қуйидаги шахлар эга:

1



*даъвогар*

Даъвогар (алоҳида тартибда кўрилган ишлар бўйича – аризачи ва манфаатдор шахс), унинг адвокати, қонуний вакили;

2



*жавобгар*

Жавобгар, унинг адвокати, қонуний вакили;

3



*учинчи шахс*

Ишда иштирок этган учинчи шахс, унинг адвокати, қонуний вакили;


4



*жалб қилинмаган,  
аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари  
ҳал этилган шахс*

Ишда иштирок этиш учун жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳал этилган шахс, унинг адвокати, қонуний вакили.

## Назорат тартибида берилган шикоят қуйидаги ҳолларда кўриб чиқмасдан **қайтарилади**:



The diagram shows a yellow form titled "ШИКОЯТ (ПРОТЕСТ)". At the top left, there is a red stamp that says "ҚАЙТАРИБ БЕРИЛСИН" (REJECT). The form has several horizontal lines for text. To the right of the form, there is a list of six reasons for rejection, each in a purple circle:

- 1 нозорат тартибида берилган шикоят ФПК 427-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса;
- 2 нозорат тартибида берилган шикоятга иш бўйича қабул қилинган суд қарорларининг суд томонидан тасдиқланган кўчирма нусхалари илова қилинмаган бўлса;
- 3 шикоятга давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинмаган бўлса;
- 4 иш апелляция ёки кассация тартибида кўрилмаган бўлса;
- 5 назорат тартибида шикоят бериш муддати ўтган бўлса;
- 6 назорат тартибида берилган шикоятни қайтариб олиш тўғрисида ариза келиб тушган бўлса.



Назорат тартибида шикоят бераётган шахс, қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат божи тўловини кечиктириш (бўлиб тўлаш) ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқига эга. Бу илтимоснома назорат тартибидаги шикоят билан биргаликда берилиши лозим.



# ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ\*



\* Бундай тартиб “Иқтисодий судларг мурожаат қилиш тартиби” амалий қўлланмасида кенгроқ берилган.

## Иқтисодий судга мурожаат қилинаётганда:

1

Агар талаб фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо-ларга оид бўлса, у **даъво аризаси** шаклида берилади.




Қарзни ундириш



Мол-мулкни олиб бериш



Мулк ҳуқуқини тасдиқлаш ва ҳ.к.



2

Агар талаб буйруқ тартибида иш юритиш бўйича, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича бўлса – **ариза** шаклида берилади.



Ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзни ундириш




Тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган коммунал хизматларга оид қарзни ундириш



Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш



Ҳўжалик субъектини банкрот деб топиш ва ҳ.к.



3


Муайян кўрилаётган иш юзасидан судга илтимос қилинаётганда – **ИЛТИМОСНОМА** шаклида берилади.



Ишни бошқа кунга қолдириш



Ишга шерик жавобгарни жалб этиш ва ҳ.к.



4

Суд ҳужжатлари устидан норози бўлиб апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига мурожаат этилганда у – **ШИКОЯТ** шаклида, бундай мурожаат прокурор томонидан берилганда – **протест** шаклида амалга оширилади.





Иқтисодий процессуал кодекси (кейинчалик – ИПК деб юритилади)нинг 25-моддаси мазмунига кўра иқтисодий судларга қуйидаги ишлар тааллуқли:



- ✓ иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилатганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар;
- ✓ иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;
- ✓ банкротлик тўғрисидаги ишлар;
- ✓ ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар;
- ✓ ИПКнинг 30-моддасида кўрсатилган корпоратив низолар бўйича ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно;
- ✓ чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишлар.

Якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар ҳам, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиқса, иқтисодий судга тааллуқли бўлади.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим.


Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

# СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА СУД ХҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ





# ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ



Ариза ёки даъво аризаси тақдим этиладиган иқтисодий судлар:

### Агар ариза:

юримдик шахсларга нисбатан берилаётган бўлса

улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга

юримдик шахсларга нисбатан уларнинг алоҳида бўлинмалари фаолиятдан келиб чиқадиган бўлса,

алоҳида бўлинмалар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга

фуқароларга нисбатан берилаётган бўлса

улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга

турли ерларда жойлашган бир неча жавобгарга нисбатан берилаётган бўлса

даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарлардан бири давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга

давлат рўйхатидан ўтган жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан бўлса

унинг мол-мулки жойлашган ердаги ёки унинг маълум бўлган охириги жойлашган еридаги судга

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ва бошқа давлат ҳудудида турган жавобгарга нисбатан бўлса

даъвогар жойлашган ерда ёки жавобгарнинг мол-мулки жойлашган ердаги судга

ижро этиш жойи кўрсатилган шартномадан келиб чиқадиган даъвога оид бўлса

мажбурият ижро этиладиган жойдаги судга

юримдик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисида бўлса

аризачи давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун юримдик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисида бўлса

кўчмас мулк жойлашган ердаги судга

юримдик шахслар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисида бўлса,

қарздор давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга

кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги даъволар, кўчмас мулк ҳақидаги низолар, шу жумладан кўчмас мулкни бошқа шахснинг ғайриқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги ёхуд мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилишини бартараф этиш ҳақидаги ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги бошқа даъволарга оид бўлса

кўчмас мулк жойлашган ердаги судга

ташувчига нисбатан йўловчилар, багаж ва юкларни ташиш шартномаларидан келиб чиқадиган даъволарга оид бўлса, шу жумладан, агар жавобгарлардан бири ташувчи бўлганда ҳам

транспорт ташкилотининг органи жойлашган ердаги судга

ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида бўлса

ҳакамлик суди жойлашган ердаги судга

ҳакамлик судида кўрилаётган даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида бўлса

ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёки қарздор давлат рўйхатидан ўтган жойдаги ёхуд агар қарздор давлат рўйхатидан ўтган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги судга

корпоратив низоларга оид бўлса

ИПКнинг 30-моддасида кўрсатилган юридик шахс жойлашган ердаги судга тақдим этилади

*ИПКнинг 33 ва 34-моддаларида белгиланган судловга тегишлилик тарафларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин.*

*Қарши даъволар судловга тегишлилигидан қатъи назар, дастлабки даъво кўрилаётган жойдаги судга тақдим этилади.*

### Иқтисодий судларнинг биринчи инстанциясида даъво тартибида иш юритишга оид асосий муддатлар

#### Ўз.Р. ИПКнинг 152-моддаси

Аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масалани ҳал этиш

ариза судга келиб тушган кундан эътиборан **беш кундан кечиктирмай**

шу ҳақдаги ажримни аризаچига юбориш  
у чиқарилгандан **кейинги кундан** кечиктирмай

#### Ўз.Р. ИПКнинг 163-моддаси

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш

ариза қабул қилинган ва фуқаролик иши қўзғатилган кундан эътиборан **беш кунлик** муддатдан кечиктирмай

#### Ўз.Р. ИПКнинг 164-моддаси

Ишларни кўриш ва ҳал қилиш

суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан **бир ойдан ошмаган муддатда**

Алоҳида ҳолларда бу муддат суд раиси томонидан **бир ойдан ошмаган муддатга** узайтирилиши мумкин

#### Ўз.Р. ИПКнинг 186-моддаси

Суднинг ҳал қилув қарорининг хулоса қисмини эълон қилиш

суд муҳокамаси тугалланган мажлиснинг **ўзидаёқ**  
Ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда тузиш ва имзолаш  
**беш кун ичида**

#### Ўз.Р. ИПКнинг 188-моддаси

Ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаларини юбориш  
у эълон қилинган кундан эътиборан **беш кундан кечиктирмасдан**

#### Ўз.Р. ИПКнинг 189-моддаси

Кўшимча ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши асосий **ҳал қилув қарори билан бирга**

#### Ўз.Р. ИПКнинг 190-моддаси

Ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш

у берилган кундан эътиборан **йигирма кунлик муддатда**

#### Ўз.Р. ИПКнинг 191-моддаси

Ҳал қилув қарори ёзувида йўл қўйилган хатоларни, ҳарфий хатоларни ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш

у топширилган кундан эътиборан **йигирма кунлик муддатда**

#### Ўз.Р. ИПКнинг 192-моддаси

Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши, агар унинг устидан шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса,

У қабул қилинган кундан эътиборан **бир ойлик муддат ўтгач**

Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши, агар унинг устидан апелляция шикояти (протести) берилган бўлиб, у бекор қилинмаган бўлса,

апелляция инстанцияси судининг қарори **қабул қилинган кундан эътиборан**

#### Ўз.Р. ИПКнинг 194-моддаси

Суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш

у **қонуний кучга кирганидан кейин**, бундан дарҳол ижро этиш ҳоллари мустасно (дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорлари Ўз.Р. ИПКнинг 334-моддасида санаб ўтилган)

#### Ўз.Р. ИПКнинг 188, 197-моддалари

Суд ҳужжатининг кўчирма нусхасини юбориш  
у чиқарилган кундан эътиборан **беш кундан кечиктирмай**

#### Ўз.Р. ИПКнинг 198-моддаси

Суд ажримини ижро этиш

агар қонунда ёки суд томонидан бошқа муддат белгиланган бўлмаса, **дарҳол**

## Ўз.Р. ИПКнинг 202–моддаси

Суд мажлиси баённомасини юритиш

**суд мажлисининг ўзида** ёки суд мажлиси залидан ташқарида **алоҳида процессуал ҳаракат бажарилганида**

Баённомани имзолаш

суд мажлиси тамом бўлганидан ёки алоҳида процессуал ҳаракат амалга оширилганидан кейин **уч кундан кечиктирмасдан**

## Ўз.Р. ИПКнинг 203–моддаси

Суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва унда йўл қўйилган хатоликлар ёки унинг тўлиқ эмаслиги юзасидан ёзма фикр-мулоҳазалар билдириш

у имзоланган кундан эътиборан **беш кун ичида**

Баённомага доир фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқиш улар топширилган кундан эътиборан **етти кун ичида**

## Ўз.Р. ИПКнинг 210–моддаси

Банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш

Ўз.Р. ИПКда назарда тутилган қоидалар бўйича, Ўз.Р. “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунда ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган хусусиятлар, шу жумладан, **муддатлар эътиборга олинган ҳолда**

## Ўз.Р. ИПКнинг 221–моддаси

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш

ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан **ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда**, бундан ариза судга келиб тушганидан кейин **камида бир ойдан сўнг** кўриладиган молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги ишлар мустасно.

## Ўз.Р. ИПКнинг 222–моддаси

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши

агар апелляция шикояти (протести) берилмаган бўлса у қабул қилинганидан кейин **ўн кун ўтгач**

агар апелляция шикояти (протести) берилган бўлиб, ҳал қилув қарори бекор қилинмаган бўлса

апелляция инстанцияси судининг **қарори қабул қилинган кундан эътиборан**

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхасини юбориш

у қабул қилинганидан кейин **уч иш куни ичида**

## Ўз.Р. ИПКнинг 254–моддаси

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш, агар Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса

у судга келиб тушган кундан эътиборан **олти ойдан ошмайдиган муддатда**

Судга бериладиган ариза ёки **даъво аризасида** қуйидагилар кўрсатилиши керак:



**ДАЪВО АРИЗАСИ**

- 1 ариза берилётган суднинг номи.
- 2 ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;
- 3 агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъво-нинг баҳоси;
- 4 даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;
- 5 агар даъво баҳоланиши керак бўлса, даъво-нинг баҳоси;
- 6 даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 7 даъвогарнинг қонун ҳужжатларига асослаб келтирган талаблари, даъво бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса уларнинг ҳар бирига нисбатан талаблар;
- 8 жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (та-лабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифа-даги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- 9 илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

\* Даъво аризасида даъвогарнинг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.


## Даъво аризасига қуйидагиларни **тасдиқловчи ҳужжатлар** илова қилинади:

1




белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини

2



даъво аризасининг кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга ва учинчи шахсларга юборилганлигини

3




жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса

4



даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни

5




даъвогарнинг юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини

6



даъво аризасини имзолаш ваколатини, агар у вакил томонидан имзоланган бўлса

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат божи ставкалари” нинг 2-бандига кўра:



### ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИ

Иқтисодий судларга бериладиган даъво аризаларидан ва иқтисодий суднинг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги шикоятлардан, шунингдек, судларнинг ҳужжатларидан нусхалар берганлиги учун:

Мулкий тусдаги даъво аризаларидан даъво баҳосининг 1 фоизи миқдорда, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг мулкий тусдаги даъво аризаларидан даъво баҳосининг 1 фоизи миқдорда;

Мулкка оид бўлмаган тусдаги даъво аризаларидан, шу жумладан, корхоналар ва бирлашмаларнинг юқори турувчи органларининг актларини тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ҳақидаги аризаларидан, шунингдек, жамоа хўжаликларининг, хусусий корхоналар, кўшма корхоналар ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ташкилотлари халқаро бирлашмаларининг мулкка оид бўлмаган даъво аризаларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорда;

Банкротлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги аризалардан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробари миқдорда;

Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш вақтида келиб чиқувчи низолар бўйича даъво аризаларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорда;

Иқтисодий судларнинг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризалардан биринчи инстанцияда кўриб чиқиш учун ариза берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкий тусдаги низолар бўйича эса талашилаётган суммадан ҳисоблар;

Иқтисодий суд қарорлари, ажримлари ва бошқа қарорларининг дубликатларини ҳамда томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосларига биноан иқтисодий судлар томонидан ишлардан бериладиган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун ҳужжатнинг ҳар бир саҳифаси учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорда чиқарилган ставкалар миқдорда;

Ҳакамлик суди қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек, ҳакамлик суди қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорда.

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти доирасида судларга мурожаат қилишда ушбу банднинг «а» — «г» ва «е» кичик бандларида кўрсатилган белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорда давлат божи тўлайдилар.*



Иқтисодий судларга келиб тушган аризалар ва даъво аризаларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш тартиби қуйидаги **2 турга** бўлинади:

---

**1** БУЙРУҚ ТАРТИБИДА  
ИШ ЮРИТИШ

**2** ДАЪВО ТАРТИБИДА,  
ШУ ЖУМЛАДАН,  
АЛОҲИДА ТАРТИБДА  
ИШ ЮРИТИШ

## 1 БУЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ, яъни суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари:

1 қарздорликни ундиришда у жавобгар томонидан асосан тан олинган (таққослаш далолатномаси ёки хат билан) ва низосиз бўлади

2 ариза суд муҳокамаси ўтказилмасдан, тарафлар суд мажлисига чақирилмасдан, унга илова қилинган ҳужжатлар асосида кўриб чиқилади ва натижаси бўйича суд буйруғи берилади

3 аризининг нусхаси қарздорга топширилган кундан эътиборан **10 кун ўтгач** суд буйруғини берилади

4 ариза берувчи тараф «кредитор», жавобгар тараф эса «қарздор» деб аталади

5 суд буйруғи у берилгандан сўнг **10 кунлик муддат ўтгач** қонуний кучга киради

6 суд буйруғи ижро варақаси каби алоҳида ижро ҳужжати ҳисобланади





ИПКнинг 135-моддасига кўра,  
суд буйруғи қуйидаги ҳолларда  
беради, агар:

✓ солиқ қарзини  
ундиришни юридик  
шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб билдирилган бўлса;

✓ коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари тўлови бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган талаб билдирилган бўлса;

✓ ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб билдирилган бўлса;



✓ талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланган бўлса;

✓ лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан ўз мол-мулкини талаб қилиб олиши тўғрисида талаб билдирилган бўлса.

## 2 ДАЪВО ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ, яъни низоли ҳолат бўйича берилган даъво аризаси ёки аризани кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари:

1

даъво аризаси берувчи тараф «даъвогар», ариза кимга нисбатан берилган бўлса, у «жавобгар» деб аталади;



аризачи



жавобгар



2

ариза суд мажлисида тарафлар чақирилган ҳолда кўриб чиқилади ва натижасига кўра ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилади;



аризачи

3

даъво тартибида иш юритишга оид баъзи тоифадаги ишлар ўзига хос тарзда кўриб чиқилиши боис, улар «алоҳида тартибда юритиладиган ишлар» деб аталади ва бу тоифадаги ишлар судларда ИПКнинг 24–33-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан суд ишларини юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилади.



Биринчи инстанция судлари ҳужжатлари устидан берилган **апелляция ёки кассация** шикоятлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари томонидан;

Суд ҳужжатларига нисбатан **назорат тартибида берилган аризалар** Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўрилади.

ИПКнинг 263, 286, 311-моддалари мазмунига кўра апелляция, кассация ёки назорат шикоятда (протестида) қуйидагилар кўрсатилиши керак:

**ШИКОЯТ (ПРОТЕСТ)**

- 1
- 2
- 3
- 4
- 5

- 1 шикоят (протест) йўланаётган суднинг номи
- 2 шикоят (протест) бераётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми)
- 3 устидан шикоят (протест) берилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган иқтисодий суднинг номи, ишнинг рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, низонинг предмети.
- 4 шикоят (протест) бераётган шахснинг талаблари ҳамда шикоят (протест) бераётган шахс иш ҳолатлари ва далилларга, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилган ҳолда ҳал қилув қарорини нотўғри деб ҳисоблаш учун келтирган асослар.
- 5 шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Шикоятда шикоят бераётган шахснинг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон мазилли кўрсатилиши мумкин.

Шикоятни (протестни) бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нусхасини ва унга илова қилинган, бу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларни юбориши ёки тилхат билан шахсан топшириши керак.

Шикоятга (протестга) қуйидагилар илова қилинади:

- давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоятнинг ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- шикоят вакил томонидан имзоланган тақдирда, унинг имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат.

## СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 262, 285 ва 310-моддаларига кўра суд томонидан чиқариладиган ва шикоят қилинадиган суд ҳужжатлари устидан:

улар чиқарилган кундан эътиборан **1 ой ичида**, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашга оид бўлса, **10 кун ичида апелляция тартибида** шикоят берилиши мумкин

улар қонуний кучга кирган кундан эътиборан **1 ой ичида кассация тартибида** шикоят берилиши мумкин

улар қонуний кучга кирган кундан эътиборан **1 йил ичида назорат тартибида** шикоят берилиши мумкин





Суд ҳужжатлари устидан берилган шикоятлар  
(протестлар)ни кўриб чиқиш муддатлари:

**Апелляция шикояти (протести)** иш юритишга қабул қилинган кундан эътиборан **1 ойдан ортиқ бўлмаган** муддатда кўриб чиқилади.

Суднинг ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан берилган **апелляция шикояти (протести)** у судга келиб тушган кундан эътиборан **15 кун ичида** кўриб чиқилади.

Алоҳида ҳолларда апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддати суд раиси томонидан кўпи билан **1 ойга узайтирилиши** мумкин.

**Кассация шикояти (протести)** у иш юритишга қабул қилинган кундан эътиборан **1 ойдан ортиқ бўлмаган** муддатда кўриб чиқилади.

Алоҳида ҳолларда суднинг ҳал қилув қарори устидан **кассация шикоятини (протестини)** кўриб чиқиш муддати суд раиси томонидан кўпи билан **1 ойга узайтирилиши** мумкин.

Назорат шикояти (протести) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган ёки протест Олий суд Раёсатининг котибиятига келиб тушган кундан эътиборан **1 ойлик муддатдан кечиктирмай** кўрилади.

Бундан ташқари, суднинг ҳужжатлари **янгидан очилган ҳолатлар** бўйича ҳам ушбу ИПКнинг 325-333-моддаларида кўрсатилган асослар ва тартиб бўйича қайта кўрилиши мумкин.





# МАЪМУРИЙ СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ



## Маъмурий судларда ишларни юритиш тартиби **2 тоифага** бўлинган:

---

**I** Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишга оид суд ишларини юритиш тартиби. Бу тоифадаги суд ишларини юритиш тартиби – Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (кейинчалик – МСИЮТК деб юритилади) билан тартибга солинади

**II** Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишга оид суд ишларини юритиш тартиби. Бу тоифадаги суд ишларини юритиш тартиби – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинчалик – МЖТК деб юритилади) билан тартибга солинади

# I


Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишга оид суд ишларини юритиш тартиби



МСИЮТКнинг 5-моддасига кўра судга муурожаат қилиш:


1

фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишлар бўйича, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда – **ариза (шикоят)** шаклида;




2

апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига муурожаат этилганда, шунингдек ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда **шикоят (протест)** шаклида;



3

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида, шунингдек, муайян кўрилаётган иш юзасидан судга илтимос қилинаётганда (ишни бошқа кунга қолдириш, экспертиза тайинлаш, даъвони таъминлаш чораларини кўриш, ишни кўришни тўхтатиб туриш ва бошқа шу кабилар) – **илтимоснома** шаклида берилади.



*Муурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.*

## Туманлараро, туман (шаҳар) маъмурий судлари:



идоравий норматив-ҳуқуқий ҳуж-  
жатлар юзасидан низолашиш тўғ-  
рисидаги ишларни;



давлат бошқаруви органларининг,  
маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни  
амалга оширишга ваколатли бўлган  
бошқа органларнинг (бундан буён  
матнда маъмурий органлар деб  
юритилади), фуқаролар ўзини  
ўзи бошқариш органларининг ва  
улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда  
фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган  
манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан  
низолашиш тўғрисидаги ишларни;



сайлов комиссияларининг ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш  
тўғрисидаги ишларни;



нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини  
ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёхуд нотариуснинг ёки фуқаролик  
ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари  
(ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни;



давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат  
рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги  
ишларни ҳал қилади.



**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари биринчи инстанцияси суди сифатида давлат сири билан боғлиқ бўлган ишларни кўриб чиқади.**


---

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция суди сифатида:**

- **идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни;**
  - **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқади.**
- 

**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судлари қонун билан ўз ваколатига киритилган маъмурий ишларни кўриб чиқади.**

## Судга бериладиган **ариза (шикоят)**да қуйидагилар кўрсатилиши керак:



The diagram shows a form titled "АРИЗА (ШИКОЯТ)" with several sections indicated by numbered circles and asterisks. Section 1 is at the top right, section 2 is below it, section 3 is in the middle left, section 4 is below section 3, section 5 is below section 4, section 6 is at the bottom left, and an asterisk section is at the bottom left. The form is represented by horizontal bars of varying lengths.

- 1 ариза (шикоят) берилётган суднинг номи;
- 2 ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;
- 3 арз қилинган талабларга асос бўлган ҳолатлар (агар улар мавжуд бўлса);
- 4 арз қилинган талабларнинг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 5 аризачининг қонун ҳужжатларига асослаб келтирган талаблари, талаб бир нечта жавобгарга nisbatan тақдим этилганда эса уларнинг ҳар бирига nisbatan талаблар;
- 6 илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.
- \* Аризада (шикоятда) аризачининг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилиши мумкин.

## Аризага (шикоятга) қуйидагиларни **тасдиқловчи ҳужжатлар** илова қилинади:

<p>1</p>  <p>Белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини, агар бу ушбу тоифадаги ишлар учун қонунда назарда тутилган бўлса</p>	<p>2</p>  <p>аризанинг (шикоятнинг) ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга ҳамда учинчи шахсларга юборилганлигини</p>	<p>3</p>  <p>арз қилинган талабларга асос бўлган ҳолатларни</p> <p>4</p>  <p>аризани (шикоятни) имзолаш ваколатини, агар у вакил томонидан имзоланган бўлса</p>
---	---	---

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномага илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати МСИЮТКнинг **192-моддасида** қайд этилган.

Аризачи ариза (шикоят) бераётган чоғида жавобгарга ва учинчи шахсларга аризининг (шикоятнинг) ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини юбориши шарт.

МСИЮТКдаги умумий қоидага кўра фуқаронинг ёки юридик шахснинг аризаси (шикояти) қарорлари, ҳаракатлари (ҳарактсизлиги) устидан шикоят қилинаётган маъмурий орган жойлашган ер ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи бўйича судга тақдим этилади.

Агар низо бўйича бир нечта жавобгар иштирок этиб, улар турли ерларда жойлашган бўлишса, ариза (шикоят) жавобгарлардан бири жойлашган ердаги судга аризагининг танлови бўйича тақдим этилади.

## СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ



МСИЮТКнинг 186-моддасида кўрсатилишича, агар ушбу Кодексда ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлиб қолган кундан эътиборан **3 ой ичида** судга берилиши мумкин.

Давлат ижрочисининг қарорларини, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) ғайри-қонуний деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлиб қолган кундан эътиборан **10 кун ичида** судга берилиши мумкин.

Судга мурожаат этиш муддатининг узрли сабабсиз ўтказиб юборилганлиги аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилишни рад этиш учун асос бўлади.



МСИЮТКнинг 131, 132, 139 ва 140-моддаларига кўра судья аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш ҳақидаги масалани ариза (шикоят) судга келиб тушган кундан эътиборан **5 кундан кечиктирмай** ҳал қилади, ишни суд муҳокамасига тайёрлайди ва шу ҳақда ажрим чиқаради.

МСИЮТКнинг 141, 142-моддаларидаги қоидага кўра, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суд муҳокамаси ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан **1 ойдан ошмаган муддатда** тугалланиши керак.

Алоҳида ҳолларда, суд муҳокамасининг муддати суд раиси томонидан **1 ойдан ошмаган муддатга** узайтирилиши мумкин.

Сайлов комиссиясининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят судга келиб тушган кундан эътиборан **3 кундан кечиктирмасдан**, сайлов кунига олти кундан кам қолган бўлса, зудлик билан суд томонидан кўрилиб чиқилиши керак.

МСИЮТК 193-моддасининг биринчи қисмидаги қоидага кўра муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома у тақдим этилган пайтдан эътиборан 24 соат ичида судья томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқилади.





МСИЮТКнинг 165-моддасига кўра ҳал қилув қарори, агар унинг устидан апелляция тартибида шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, у қабул қилинган кундан эътиборан **20 кун ўтгач**, қонуний кучга киради.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган суд ҳал қилув қарори **у қабул қилинган пайдан** эътиборан қонуний кучга киради. Аммо

суд томонидан тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг айрим қисмлари суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган пайдан эътиборан қўлланилмайди ва улар ҳужжатни қабул қилган орган томонидан нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатиغا мувофиқлаштирилиши керак.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ажрим **у ўқиб эшиттирилган пайдан эътиборан** кучга киради ва дарҳол ижро этилиши лозим.


Биринчи инстанциясида чиқарилган суд ҳужжатлари устидан берилган **апелляция ёки кассация** шикоятлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари томонидан;

Ҳудудий ҳарбий судларнинг биринчи инстанциясида чиқарилган суд ҳужжатлари устидан берилган **апелляция ёки кассация** шикоятлари Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан;

Суд ҳужжатларига нисбатан **назорат тартибида** берилган аризалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўрилади.

Апелляция ёки кассация шикояти (протести) тегишлича апелляция ёки кассация инстанцияси суди номига йўлланади, бироқ ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилади.

Назорат шикояти (протести) эса бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади.





МСИЮТКнинг 204, 228, 253-моддалари мазмунига кўра **апелляция, кассация ёки назорат шикоятда (протестида)** қуйидагилар кўрсатилиши керак:

**ШИКОЯТ**

1

---

---

---

---

2

---

---

---

---

3

---

---

---

---

---

---

---

---

4

---

---

---

---

---

---

---

---

5

---

---

\*

---

---

- 1 апелляция шикояти (протести) йўланаётган суд -нинг номи;
- 2 шикоят (протест) бераётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);
- 3 устидан шикоят (протест) берилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган суднинг номи, ишнинг рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, талабнинг предмети;
- 4 шикоят (протест) бераётган шахснинг талаблари ҳамда шикоят (протест) берган шахснинг қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларига, иш ҳолатларига ва далилларга ҳавола қилган ҳолда ҳал қилув қарорини нотўғри деб ҳисоблаш учун келтирган асослари;
- 5 шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати;
- \* шикоятда шикоят бераётган шахснинг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Шикоятни бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоятнинг кўчирма нусхасини ва унга илова қилинган, бу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларни юбориши ёки тилхат билан


Шикоятга (протестга) қуйидагилар илова қилинади:

- давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоятнинг ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- шикоят вакил томонидан имзоланган тақдирда, унинг имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат.

МСИЮТКнинг 193, 203, 227 ва 252-моддаларига кўра  
суд томонидан чиқариладиган ва шикоят қилинадиган  
суд ҳужжатлари устидан:

агар қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, у қабул қилинган кундан  
эътиборан **20 кун ичида**, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация  
марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш натижаси  
бўйича чиқарилган ажрим устидан у чиқарилган кундан эътиборан  
**3 кун ичида апелляция тартибида** шикоят берилиши мумкин

улар қонуний кучга  
кирган кундан эътиборан  
**1 ой ичида кассация**  
тартибида шикоят  
берилиши мумкин



улар қонуний кучга  
кирган кундан эътиборан  
**1 йил ичида назорат**  
тартибида шикоят  
берилиши мумкин



### Суд ҳужжатлари устидан берилган шикоятлар (протестлар)ни кўриб чиқиш муддатлари:

**Апелляция шикояти (протести)** у иш юритишга қабул қилинган кундан эътиборан **1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда** кўриб чиқади.

Алоҳида ҳолларда **апелляция шикоятини (протестини)** кўриб чиқиш муддати суд раиси томонидан кўпи билан **1 ойга узайтирилиши** мумкин.

**Кассация шикояти (протести)** у иш юритишга қабул қилинган кундан эътиборан **1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда** кўриб чиқилади.

Алоҳида ҳолларда суднинг ҳал қилув қарори устидан **кассация шикоятини (протестини)** кўриб чиқиш муддати суд раиси томонидан кўпи билан **1 ойга узайтирилиши** мумкин.

**Назорат шикояти (протести)** у иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган ёки протест Олий суд Раёсатининг котибиятига келиб тушган кундан эътиборан **1 ойлик муддатдан кечиктирмай** кўрилади.

Бундан ташқари, суднинг ҳужжатлари **янгидан очилган ҳолатлар** бўйича ҳам ушбу ИПКнинг 325-333-моддаларида кўрсатилган асослар ва тартиб бўйича қайта кўрилиши мумкин.

## II

### Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишга оид суд ишларини юритиш тартиби

МЖТКнинг 23-моддасида қайд этилишича, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1

жарима

2

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш

3

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш

4

муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш

5

маъмурий қамоққа олиш

6

чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш



**Маъмурий жазо** ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб **1 йилдан кечиктирмай** қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, **маъмурий жазо чораси** жиноят иши

қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб **1 ойдан кечиктирмай** қўлланилиши мумкин.

Башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб **1 йил мобайнида** янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.



## Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни:

туман (шаҳар) маъмурий суди, иқтисодий судлар, фуқаролик ишлари бўйича судлар;



воёга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари;

ички ишлар (милиция) органлари (мансабдор шахслари), давлат инспекцияси органлари (мансабдор шахслари) ва ушбу Кодекс билан ваколат берилган бошқа органлар (мансабдор шахслар) кўриб чиқадилар.



*Маъмурий, иқтисодий ва фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар рўйхати МЖТКнинг 245, 245<sup>1</sup>, 245<sup>4</sup>-моддаларида ба- тафсил ёритилган.*

## СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, улар қуйидаги воситалар билан белгиланади:

- 

1

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома
- 

2

маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари
- 

3

жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари
- 

4

эксперт хулосаси
- 

5

мутахассис маслаҳати (тушунтиришлари)
- 

6

ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома
- 

7

аудио-, видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар ва бошқа шу кабилар

## Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада қуйидагилар кўрсатилади:


БАЁННОМА	
1	баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;
2	ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар;
3	маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти;
4	ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;
5	агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари;
6	ҳуқуқбузарнинг тушунтириши;
7	ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса – баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.

Баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб **1 суткадан кечиктирмай** маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.

## СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ



МЖТК 305-моддасининг биринчи қисмига кўра **маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш** маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб **15 кунлик муддат ичида** кўриб чиқилади.

Ушбу моддада айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришга оид бошқа муддатлар ҳам белгиланган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда баённома юритилади.

Бундан ташқари, бу тоифадаги иш кўриб чиқилгач тегишли қарор чиқарилади. Баённома ва қарор мажлисда раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади. Қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланоқ дарҳол эълон қилинади ва у чиқарилган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради. Шунинг учун суднинг қарори устидан апелляция тартибида эмас, кассация тартибида шикоят қилиниши (протест билдирилиши) мумкин.



Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шу қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб **10 кун ичида** шикоят берилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан берилган шикоят (протест) у тушган кундан бошлаб **10 кун муддат ичида** кўриб чиқилади.



Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят берган шахс давлат божи тўлашдан озод этилади.



Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган тегишли **давлат органининг қарори** устидан – юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки туман (шаҳар) маъмурий судига, **маъмурий суднинг** қарори устидан эса кассация инстанцияси судига шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

**Иқтисодий суднинг** маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан ИПҚда белгиланган тартибда, **фуқаролик ишлари бўйича суднинг** маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан эса ФПҚда белгиланган тартибда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилган биринчи инстанция суди орқали бевосита шикоят йўлланган судга юборилади.

МЖТКнинг 324<sup>3</sup> ва 324<sup>9</sup> моддаларига кўра суднинг  
маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича  
чиқариладиган қарорлари устидан шикоят (протест) бериш тартиби:



Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан **кассация шикояти (протести)** суд қарорининг кўчирма нусхаси топширилган ёки олинган кундан эътиборан **1 ой ичида** берилиши мумкин.

Кассация инстанцияси судларининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига **назорат тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши)** мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ишни назорат тартибида кўриш натижалари юзасидан чиқарилган қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига протест келтирилиши мумкин. Назорат шикояти (протести) ушбу суд ҳужжатлари чиқарилган кундан эътиборан **6 ой ичида** берилиши мумкин.



### Суд ҳужжатлари устидан берилган шикоятлар (протестлар)ни кўриб чиқиш муддатлари

Маъмурий суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан **кассация шикояти (протести)** у шикоятни (протестни) кўриб чиқишга ваколатли судга ишнинг барча материаллари билан келиб тушган кундан эътиборан **1 ойлик муддатда** кўрилиши лозим.

Ушбу МЖТКнинг 512, 513, 514, 515, 516, 517, 518, 519-моддаларида назарда тутилган суднинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича қарори устидан берилган **кассация шикоятлари (протестлари)** шикоятни (протестни) кўриб чиқишга ваколатли судга барча материаллар билан келиб тушган кундан эътиборан **5 кунлик муддатда** кўрилиши лозим.

Суднинг маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарори устидан берилган **кассация шикояти (протести)**, агар маъмурий жавобгарликка тортилган шахс маъмурий қамоқни ўтаётган ёки маъмурий тартибда чиқариб юборилиши лозим бўлса, шикоят (протест) берилган пайдан эътиборан **1 сутка ичида** кўрилиши керак.

Кассация инстанцияси судининг қарори дарҳол эълон қилинади ва у чиқарилган пайдан эътиборан кучга киради.

**Иш назорат шикоятини (протестини)** иш юритишга қабул қилиш тўғрисида суднинг ажрими чиқарилган ёки протест Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг котибиятига келиб тушган кундан эътиборан **1 ойдан кечиктирмай назорат тартибда** кўрилади.

Назорат инстанцияси судининг қарори у қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.


Бундан ташқари, суднинг ҳужжатлари **янгидан очилган ҳолатлар** бўйича ҳам МЖТКнинг 324<sup>27</sup>–324<sup>35</sup>-моддаларида кўрсатилган асослар ва тартиб бўйича қайта кўрилиши мумкин.



# ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ



Жиноят ишини юретишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар:



Жиноят-процессуал кодекси (кейинчалик – ЖПК деб юритилади)нинг 322-моддасига кўра жиноят ишини қўзғатиш учун:



Жиноятга оид аризаларни ҳал қилиш, дастлабки терговни ёки суриштирувни тамомлаш муддатлари:

- Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва **дарҳол**, жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, **10 суткадан кечиктирмасдан** ҳал қилиниши лозим;
- Дастлабки тергов жиноят иши кўзғатилган кундан бошлаб **уч ойдан ошмаган муддатда** суриштирув эса, жиноят иши кўзғатилган кундан бошлаб **бир ойдан ошмаган муддатда** тамомланиши лозим;
- Жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати **узоқроқ муддат** давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади.

## Жиноят ишлари бўйича судларнинг судловига тегишли ишлар

- Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судловига юқори судларнинг ва ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари ҳамма жиноят ишлари тегишлидир.
- Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисмида, 118-моддасининг тўртинчи қисмида, 150, 153, 155, 157, 158-моддаларида, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 160, 161-моддаларида, 210-моддасининг учинчи қисмида, 230, 231, 242, 244-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар тегишлидир.
- Ҳарбий судлар судловига ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишлар тегишлидир.
- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судловига ўта мураккаб ва аҳамиятли ишлар тегишлидир.

Жиноят иши жиноят содир этилган жойдаги судда кўрилади. Агар жиноят содир этилган жойни аниқлаш имконияти бўлмаса, иш дастлабки тергов ёки суриштирув тамом бўлган ҳудуддаги суд томонидан кўрилади.



Суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан апелляция тариқасида шикоят беришга, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан кассация тартибида шикоят беришга:

- маҳкум;
- маҳкумнинг ҳимоячиси;
- маҳкумнинг қонуний вакили;
- жабрланувчи;
- жабрланувчининг вакили ҳақлидир.


Прокурорлар ҳам тегишлича суднинг ҳукми ва ажрими устидан протест билдиришга ҳақлидир.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Мазкур шахслар шунингдек, назорат тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳам ҳақлидир.

Жиноят ишлари бўйича шикоятда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:



The diagram, titled "ШИКОЯТ" (Complaint), illustrates the required information for a complaint in a criminal case. It consists of seven numbered items, each represented by a horizontal bar with a circle containing the number. The items are arranged in a list format, with the first three items grouped together at the top, followed by items 3, 4, and 5, and finally items 6 and 7 at the bottom.

- 1 шикоят, протест йўлланаётган суднинг номи;
- 2 шикоят берган шахс, унинг процессуал мавқеи, яшаш жойи ёки туриш манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- 3 ҳукми чиқарган суднинг номи, ҳукм чиқарилган сана, шикоят берилган ва протест билдирилган ҳукм кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс тўғрисидаги маълумотлар;
- 4 шикоят, протест берган шахснинг вазифаси, унинг фикрига кўра ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги ҳамда илтимоснинг моҳияти;
- 5 аризачи ўз талабларини асослаётган ва апелляция инстанцияси суди томонидан текширилиши лозим бўлган далиллар, шу жумладан, илгари биринчи инстанция судида текширилмаган далиллар;
- 6 шикоятга, протестга илова қилинаётган материаллар рўйхати;
- 7 шикоят, протест берилган сана ҳамда шикоят, протест берувчи шахснинг имзоси.

Жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судлари ҳужжатлари устидан берилган апелляция ёки кассация шикоятлари тегишлича жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек, Республика ҳарбий суди томонидан;

Суд ҳужжатларига нисбатан назорат тартибида берилган аризалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўрилади.

Жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми, ажрими ва қарорлари устидан шикоятлар:

ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан **10 сутка ичида** маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса, уларга **суд ҳужжати нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида апелляция тартибида** шикоят берилиши мумкин;

шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга **улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина** йўл қўйилади;

шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) назорат тартибида қайта кўриб чиқишга **улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина** йўл қўйилади.

ЖПКнинг 483-моддасига кўра:

**Жиноят ишини шикоят ёки протест билан  
иш келиб тушган кундан эътиборан**

апелляция, кассация  
инстанцияси суди **15 суткадан  
кечиктирмай** кўриб чиқишга  
киришиши керак

назорат инстанцияси суди  
**1 ойдан кечиктирмай** кўриб  
чиқишга киришиши керак

**Иш ўта мураккаб бўлган тақдирда ва бошқа фавқулодда  
ҳолларда бу муддатни**

суд раиси бу кўпи  
билан **15 суткага узайтириши**  
мумкин

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди Раиси ёки унинг  
ўринбосари кўпи билан  
**1 ойга узайтириши** мумкин

Назорат тартибидаги шикоят **1 ойгача** бўлган муддатда, иш талаб  
қилиб олинadиган ва текшириладиган ҳолларда эса **2 ойгача** бўлган  
муддатда кўриб чиқилиши керак

Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида  
кўрган вақтида жазони кучайтиришга, шунингдек, оғирроқ  
жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмас



ЖПКнинг 484-моддасига кўра апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун қуйидагилар асос бўлади:

1

суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги;

2

ҳукмда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;

3

ушбу кодекс нормаларининг жиддий бузилганлиги;

4

жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги;

5

жазонинг адолатсизлиги.

Бундан ташқари суднинг ҳужжатлари **янгидан очилган ҳолатлар** бўйича ҳам ЖПКнинг 522-527-моддаларида кўрсатилган асослар ва тартиб бўйича қайта кўрилиши мумкин.



# **СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ВА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ**

Муҳаррир: Д.У. Арипжанова

Дизайнер: Э. Муратов

Нашриёт лицензияси АIN№ 283, 11.01.16.  
Босишга рухсат этилди 25.04.18 й. Бичими 70x100/12. «Segoe UI» гарнитураси.  
Офсет босма усулида босилди.  
Босма табағи 5,25. Шартли босма табағи 5,5.  
Адади 500. Буюртма № РО/0187/18

«ILMIY TEXNIKA AXBOROTI - PRESS NASHRIYOTI»  
100017. Тошкент ш., М-5, 45/4

«PRINT MEDIA» босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Ўзбекистон овози кўчаси,32  
Тел:+998(71) 233-03-21

